

**Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Қўкон филиали карантин вақтида бажарилган ишлар тўғрисида**

**Маълумот**

Республикамиз худудига коронавирус пандемияси кириб келиши, инфекциянинг хавотомчи йўллари орқали тарқалишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасига ЎРИ, грипп, коронавирус инфекциясининг янги тури кириб келишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги йиғилиш баёни ва 2020 йил 14 мартдаги «COVID-19 коронавирус инфекциясининг Республика худудига ва тарқалишини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги №-4 қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси худудига таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 16-мартдаги № 01-240 сонли Қурсатма хатини бажарилишини таъминлаш, коронавирус инфекциясини аҳоли орасида тарқалиб кетишини олдини олиш, ходимлар соғлигини муҳофаза қилинишини таъминлаш ва уларнинг оммавий касалланишига йўл қуймаслик мақсадида тезкор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Режа асосида 2020 йил 2-март куни ўқишга келган малака ошириш ва ихтисослаштириш цикллари бўйича жами 252 нафар тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг «COVID-19» коронавирус инфекциясининг Республика худудига ва тарқалишини олдини олиш йўллари тушунтирилди. Шунингдек касалликни аҳоли орасида тарқалишини олдини олиш, барча ишчи ходимларнинг хавсизлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тушунтирилди. Буйруқ асосида директор, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари, бош бухгалтер, фаррош қоровулдан ташқари барча ходимларга ёзги меҳнат таътили ҳисобидан навбатдан ташқари таътил берилди.

Карантин вақтида Қўкон шаҳри ва атроф туман бош хамширалари, кадрлар бўлими назирлари, вилоят хамширалар асоцияси бош мутахассиси бирлигида филиал томонидан kmo.uz телеграмм сайти фаолияти иши йўлга қўйилди, ўзвий алоқа ўрнатилди.

13.04.2020 йил кундан ихтисослаштириш гуруҳларида масофадан туриб ўқитиш (онлайн) жараёнлари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09-апрелдаги 113-сонли буйруғига асосан ўрта тиббиёт ходимларини «COVID-19 бўйича лаборатор текширувини ўтказиш учун намуналар олиш» бўйича масофавий мавзули малака ошириш курси ўқув дастурига асосан 6-соатлик масофавий (онлайн) ўқув машғулоти ташкил этилди ва унда Қўкон шаҳри, атроф туманларнинг лабарант, патронаж хамширалари, тез тиббий ёрдам фельдшерлари ўқитилди.

т/р	Ўқитилган сана	Тингловчилар сони
1.	16.04.2020 йил	413
2.	17.04.2020 йил	407
	Жами:	820

20.04.2020 йилдан 6-соатлик масофавий ўқитиш бўйича янги гуруҳлар шакллантирилди ва ўқиш жараёнлари давом этмоқда

Ўқув машғулотларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга сертификатлар берилиши жорий этилди.

16.04.2020 йил кундан ўқиш жараёни тухтатилган малака ошириш тизими тингловчиларининг қолган дарс машғулотларини масофадан туриб ўқитиш (онлайн) 27.04.2020 йил кунига режалаштирилмоқда.

Айни дамда ZOOM программаси бўйича Camtasia 2019 Дастури асосида семинар, вибенар дарс машғулотларини ўтказиш учун видеороликлари тайёрланмоқда.



Филиал раҳбари:

М.Т.Ҳақимова